



## XALQ DEPUTATLARI ARNASOY TUMANI KENGASHI QARORI

2021 - yil 15 - oktabr

VI-31-71-3-43-K/21

Arnasoy tuman hokimligi

**Туман маҳаллий бюджетининг 2021 йил 3-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига маблағ ўтказиб бериш тўғрисида.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги 132-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари туман Кенгаши

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги 132-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимлиги молия бўлими (М.Эшбоев)га туман маҳаллий бюджетининг 2021 йил 3-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига 220,0 млн.сўм маблағни туман ҳокимлигига ажратиш вазифаси юклатилсин.

3. Ажратилган маблағни мақсадли ишлатилишини таъминлаш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Исматов ва туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси Б.Мухиддиновларга топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш, халқ депутатлари туман Кенгашининг "Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари" доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Исмамов зиммасига юклатилсин.

5. Мазкур қарор қабул қилинган кунда кучга киради.

Ноким



Ҳ.Алимарданов